«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Наманган вилоят Халқ таълими бошкармаси тасарруфидаги 46-махсус интернат мактаби директори

_______________в/б Б.Алиматов

# Етказиб берувчиларни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
2. Техник кисм
3. Нархлар кисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.Танлов предмети

1.1. Наманган вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 46-махсус интернат мактабига илова қилинган рўйхат бўйича ўқув дастгохлари ва жихозларини сотиб олиш.

1.2. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кунни ташкил этади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 46-махсус интернат мактаби (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2. "Буюртмачи" манзили: Учқўрғон туман Боғкўча МФЙ Боғкучаси 93-уй.

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда махсулотларни етказиб бериш хизматини курсатишга ихтисослашган, камида 6 йил тажрибага хамда юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Ташкилот гувохномаси ёки лицензиясини ва Низоми такдим этиши шарт.
- Солиқ ва бошка йиғимлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида худудий солиқ органидан маълумотнома
- Банкдан айланма маблағи мавжудлиги маълумотнома ва бу маблағ миқдори шартнома суммасининг 20% дан ка бўлмаслиги керак.
- . Наманган вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 46-махсус интернат мактабига етказиб берувчи махсулотни етказиб бериш харажатларини 100 % ўзи қоплайди.
- - Етказиб бериладиган махсулотлар сифатли, техник қисда кўрсатилган талабларга тўлиқ жавоб бериши ва соз холатда етказилган манзилда ишчи холатда бўлиши керак.
- Шартнома асосида етказиб берилган ўқув дастгохлари ва жихозларини бўйича ташкилотларидан тавсиянома бўлиши шарт.
- Махсулотга 12 ой тулик кафолат, 24 ой сервис хизмати кўрсатишва шу хақида кафолат хати бўлиши шарт.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунниликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув. молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир биржа молиявий карамлиги мавжудлар хамда нархни 10 фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар ”Буюртмачи” ва ”Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, ”Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва махсулотлар параметрлари учун қўйилган талаблар кўрсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, махсулотларни етказиб бериш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлик бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, маьлумотномалар техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хакли. суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишлитушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома имзолаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.